


**Мамлакатимизда давлатимиз
раҳбари Шавкат Мирзиёев хайрли
ташаббусни илгари суриб, Бош
вазирдан бошлаб ҳар бир раҳбарни
ўзи таълим олган мактаб
кутубхонасига китоблар совға
қилишга даъват этган эдилар.**



Зеро, китоб инсонни тарбиялайди, улғайтиради, юксак одоб-ахлоқни, инсоний
фазилатларни шакллантиради. Китоб ўқиб вояга етган бола аввало чуқур
билимга, кенг дунёқарашга, мустақил фикрга, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга
бўлади.

Президентимизнинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, уни умумхалқ
ҳаракатига айлантиришда бугун барча раҳбарлар фаоллик кўрсатмоқда.

Хусусан, Шеробод туман мактабгача таълим бўлими мудири Алибек Пирматов
ўзи ўқиган Шеробод туманидаги 1-мактаб кутубхонасига 30 дона китоб совға
қилди.